



FINTIME MChJ shaklidagi Auditorlik Tashkiloti
Toshkent shahar, Mirobod tumani, Shahrisabz ko'chasi-36 uy
Tel.: (+998) 94-446-03-07, faks: (+998) 97-446-03-07
e-mail: Z_XY-77@mail.ru
HR: 2020 8000 6054 3715 8001
XATB "ORIENT FINANS BANK" Yunusobod filiali
Bank kodi: 01075, IFUT 69201
STIR: 308 852 209

AUDITORLIK ASHKILOTI

МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Сирдарё в

2022 йил 7 март

Аудиторлик хулосаси йўлланди:	«XOVOS DON MAXSULOTLARI» АЖ Сирдарё вилояти, Ховос тумани, Ховос кўрғони Табассум кўчаси 1- уй. х/р: 20 208 000 100 194 289 001, "Агробанк" АТБ гулистон филиали. МФО: 00365, ИНН: 200 328 771 телефон: (99) 470 75 75.
Аудиторлик хулосаси тузилди:	МЧЖ «FINTIME» АТ Тошкент шаҳар, Миробод т-ни, Шахрисабз к 36 уй. х/р 2020 8000 6054 3715 8001, ХАТБ Ориент Финанс Банк» Юнусобод филиали, МФО: 01075; ИНН:206952776; ОКЭД: 69201. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2021 йил 09 ноябрда аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилган телефон: (97) 446-03-07.

Биз «XOVOS DON MAXSULOTLARI» АЖ 2022 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботдандан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Компания раҳбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Компания раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш, шунингдек Компания раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона

ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб – таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар таваккалчиликларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай таваккалчиликларни баҳолашда, компания ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб – таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Кўшимча изоҳлар билан фикр билдирилган аудитор фикри

Бизнинг фикримизча, «XOVOS DON MAXSULOTLARI» АЖ нинг 2022 йил 31 декабрда тугаган йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботларида 705-сонли Халқаро аудиторлик ҳисоботида асосан хато кўрсатишлар мавжуд (жиддий бузиб кўрсатишлар эмас). Тугаган 2022 йил 31 декабрь ҳолатига топширилган молиявий ҳисоботларда дебеторлик ва кредиторлик карзлар фарк килади, яъни солиқ ва бошқа мажбурий туловлардаги буюртмачи ва кредиторларнинг карз суммалар солиқ базаси билан солиштириб қурилганда яқунланган молия йилининг охириги солиқ ҳисоботларини топширгунга қадар ҳисобланган солиқ мажбуриятлари ва солиқ активлари, ҳамда хусусий капитал ва мажбуриятларда (дебеторлик ва кредиторлик карзлари орасида фарк) кўрсатиб утилган. Молиявий ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган.

**«FINTIME»
МЧЖ Бош директори:**

З. Халкулов